
ЎзРВБ фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди

ЎзРВБ фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш юзасидан 2023 йил 11 октябрда “ZOOM” платформаси орқали “On-line” режимда йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ЎзРВБ фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чора-тадбирлар қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтилди.



Шунингдек, йиғилишда монополияга қарши комплаенс тизими ҳақида тушунча, асосий вазифалари ва мақсади ҳамда рақобатга зид хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тушунтириб ўтилди.

Масъул ижрочилардан мазкур чора-тадбирлар ижросининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши таъминлаш сўралди.

Шу билан бирга, ЎзРВБ томонидан танлов (тендер) ва биржа савдолари ўтказилишида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш, ЎзРВБ билан чет ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномаларда айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга

қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериш ҳолатлари ҳамда айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаш ҳолатларининг, тил бириктириш ва картел келишувлар содир этилишининг олдини олиш ва бундай келишувлар ва ҳаракатларга йўл қўймаслик таъкидланди.